

**Фарғона давлат университетида хорижий талабалар учун
“FerSU stipendium” гранти ва стипендияларини тайинлаш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ–637-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва унинг мақсадли кўрсаткичлари 20-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–60-сон қарори, “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–61-сон қарори 2-банд 6-хатбоши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги “Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 169-сон ҳамда 2019 йил 20 июндаги “Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш киритиш ҳақида”ги 517-сон қарорларига асосан Фарғона давлат университети магистратура мутахассисликлари ҳамда бакалавриат таълим йўналишларида таҳсил олаётган хорижий талабалар учун “FerSU stipendium” гранти ва стипендияларини тайинлаш тартибини белгилайди.

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

FerSU stipendium (ФарДУ стипендияси) – Фарғона давлат университети магистратура мутахассисликлари ҳамда бакалавриат таълим йўналишларида таҳсил олаётган хорижий талабаларни молиявий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, бу орқали чет эллик абитуриентларни университет таълим хизматларидан фойдаланишга кенг жалб қилиш ва университетнинг халқаро таълим бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаш мақсадида жорий этилган, тайинланиш мақсади ва муддатига кўра “А”, “В”, “G”, “G + A” турларига бўлинувчи пул таъминоти;

FerSU stipendium Academic merit (qisqartirigan holati: “FerSU stipendium A”) – Фарғона давлат университетида таҳсил олаётган, бир семестр якунига кўра барча фанларни аъло баҳога ўзлаштирган, хорижий давлат фуқароси бўлган талаба ва магистрантларга танлов натижаларига асосан тайинланувчи ва бир семестр давомида ойма-ой тўланадиган пул таъминоти;

FerSU stipendium Bursary (qisqartirigan holati: “FerSU stipendium B”) – Фарғона давлат университетида таҳсил олаётган ва ўқиш давомида фавқулотда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб қолган хорижий талаба ва магистрантларга бир ўқув йили давомида фақат бир маротаба тўланадиган пул таъминоти;

FerSU stipendium Grant (qisqartirigan holati: “FerSU stipendium G”) – Фарғона давлат университетида таҳсил олаётган, бир ўқув йили якунига кўра ва бутун ўқиши давомида барча фанларни аъло баҳога ўзлаштирган, илмий тадқиқот билан шуғулланаётган ва белгиланган нашр кўрсаткичларига эга хорижий давлат фуқароси бўлган талаба ва магистрантларга танлов натижаларига асосан тайинланувчи, кейинги бир ўқув йилининг контракт суммасини тўлиқ қоплаб бериш учун тўланадиган пул таъминоти;

FerSU stipendium Grant Plus (qisqartirigan holati: “FerSU stipendium G+A”) – Фарғона давлат университетида таҳсил олаётган, бир ўқув йили якунига кўра ва бутун ўқиши давомида барча фанларни аъло баҳога ўзлаштирган, шуғулланаётган илмий тадқиқоти бўйича аниқ натижаларга, шу жумладан патент ва муаллифлик гувоҳномаси олган, халқаро ва республика олимпиадалари, нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ҳамда мукофот (диплом)ларга созовор бўлган, белгиланган нашр кўрсаткичларига эга, алоҳида қобилият ва иқтидор эгаси, университет жамоат ишларида фаол хорижий давлат фуқароси бўлган талаба ва магистрантларга танлов натижаларига асосан тайинланувчи, кейинги бир ўқув йилининг контракт суммасини тўлиқ қоплаб бериш билан бирга, бир семестр давомида ойма-ой тўланадиган стипендия кўринишидаги пул таъминоти.

FerSU stipendium комиссияси – Фарғона давлат университетида хорижий талаба (магистрант)ларга грант ва стипендиялар тайинлаш учун ҳар бир ўқув йилида соҳа проректорлари, халқаро ҳамкорлик бўлими, иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими, тегишли факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи олимлар, шунингдек, касаба уюшмаси, академик гуруҳлар ва бухгалтерия вакилларида иборат таркибда ташкил этиладиган ҳамда университет ректори томонидан тасдиқланадиган комиссия;

университетнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси – Фарғона давлат университетида ўқув семестри ёки йили якуни бўйича фанларни аъло даражада ўзлаштираётган, алоҳида қобилият ва иқтидор эгаси бўлган, жамоат ишларида фаол, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож хорижий талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилувчи маблағларни ташкил этиш жамғармаси.

2. FerSU stipendium Фарғона давлат университети ва хорижий ОТМлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма таълим дастурларида ўқиётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. FerSU stipendium, таърифлари мазкур Низомнинг 2-бандида келтирилган қуйидаги турларга бўлинади:

- “FerSU stipendium A”
- “FerSU stipendium B”
- “FerSU stipendium G”
- “FerSU stipendium G + A”

“FerSU stipendium A” – таълим йўналиши ва мутахассислигидан қатъий назар Фарғона давлат университетида 1-курснинг 2-семестридан битирувчи курснинг 1-семестрига қадар бўлган давр оралиғида кундузги таълим шаклида ўқиётган хорижий талабаларга фақат бир семестр учун тайинланади ва тўланади. “FerSU stipendium A”нинг ҳар ойлик миқдори университет Кенгашининг тавсиясига асосан Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

“FerSU stipendium B” – таълим йўналиши ва мутахассислиги қатъий назар Фарғона давлат университетида кундузги таълим шаклида ўқиётган, ўқиш давомида фавқулотда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб қолган хорижий талабаларга бир ўқув йили давомида фақат бир маротаба тайинланади ва тўланади. “FerSU stipendium B”нинг бир марталик миқдори университет Кенгашининг тавсиясига асосан Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

“FerSU stipendium G” – таълим йўналиши ва мутахассислигидан қатъий назар Фарғона давлат университетида 2-курснинг 1-семестридан битирувчи курснинг 1-семестрига қадар бўлган давр оралиғида кундузги таълим шаклида ўқиётган хорижий талабаларга фақат бир ўқув йили учун тайинланади ва тўланади. “FerSU stipendium G”нинг миқдори совриндор талаба таҳсил олаётган таълим йўналиши (ёки мутахассислиги) бўйича бир талабани тегишли ўқув йили учун тўлов-контракт шаклида бир йиллик ўқитиш қиймати миқдorigа асосан университет Кенгашининг тавсияси билан Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

“FerSU stipendium G + A” – таълим йўналиши ва мутахассислигидан қатъий назар Фарғона давлат университетида 2-курснинг 1-семестридан битирувчи курснинг 1-семестрига қадар бўлган давр оралиғида кундузги таълим шаклида ўқиётган хорижий талабаларга фақат бир ўқув йили учун тайинланади ва тўланади. “FerSU stipendium G + A”нинг стипендия ва контракт миқдорлари совриндор талаба таҳсил олаётган таълим йўналиши (ёки мутахассислиги) бўйича бир талабани тегишли ўқув йили учун тўлов-контракт шаклида бир йиллик ўқитиш қиймати миқдorigа асосан университет Кенгашининг тавсиясига билан Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

4. Келгуси ўқув йили учун FerSU stipendium турлари бўйича квоталар сони хорижий талабаларнинг қабул параметлари прогнозини инобатга олган ҳолда жорий ўқув йилининг охирида университет Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

5. FerSU stipendium танловларида иштирок этувчи номзодларга қуйидаги талаблар белгиланади:

а) “FerSU stipendium A” учун:

барча фанлардан аъло ўқиш;

илмий (ижодий) ишларда иштирок этиш;

йўналишлар бўйича конференция (танлов)ларда қатнашиш;

Ўзбекистон тарихини билиш (фақат, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторидаги таълим; санъат ва гуманитар фанлар; ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот билим соҳаларидаги таълим йўналиш (мутахассислик)ларида таҳсил олаётган талаба (магистрант)ларга тааллуқли);

хорижий тил бўйича B2 даражасига эга бўлиш.

б) “FerSU stipendium G” учун:

барча фанлардан аъло ўқиш;

илмий (ижодий) тадқиқот олиб бораётганлик;

ўқиётган таълим йўналиши (мутахассислиги) ва тадқиқот мавзуси доирасида ОАК эътироф этган халқаро базалардаги “Impact Factor”ли хорижий журналда камида 1 та ҳамда республика илмий журналларида 1 та мақолага, шунингдек, хорижий ОТМ ёки ИТИда ўтказилган халқаро конференцияда 1 та ҳамда республика анжуманида 1 та тезисга эга бўлиш. Бунда, ОАК томонидан “Илмий фирром” деб эълон қилинган тижорий ёхуд клон журналларда чоп этилган ишлар инобатга олинмайди;

Ўзбекистон тарихини билиш (фақат, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторидаги таълим; санъат ва гуманитар фанлар; ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот билим соҳаларидаги таълим йўналиш (мутахассислик)ларида таҳсил олаётган талаба (магистрант)ларга тааллуқли);

хорижий тил бўйича C1 даражасига эга бўлиш.

с) “FerSU stipendium G + A” учун:

Мазкур Низомнинг 5-банди “b” кичик бандида белгиланган талабларга қўшимча равишда қуйидаги талаблардан бири бажарилиши лозим:

патент ёки муаллифлик гувоҳномаси мавжудлиги;

халқаро ёки республика фан / спорт олимпиадаларида биринчи учталиқ совринли ўринлардан бирини қўлга киритганлик;

халқаро ёки республика миқёсида ўтказилган нуфузли танловларда биринчи учталиқ совринли ўринлардан бирини қўлга киритганлик.

д) “FerSU stipendium B” – ўқиш даврида талабанинг соғлигини тиклаш билан боғлиқ моддий етишмовчилик, талабанинг ота-онаси ёки улардан бири вафот этган тақдирда тегишли маълумотномалар илова қилинган ёзма мурожаатга асосан FerSU stipendium комиссиясининг мурожаатчи-талабани ижтимоий ва молиявий ҳолатини ўрганиш хулосаси ҳамда тақдимномасига мувофиқ тайинлади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 23 мартдаги 65-сон буйруғи билан тасдиқланган “Хорижий тилларни билиш даражасини баҳолаш сертификатлари (уларнинг даражалари)” рўйхати номзодларнинг чет тилини билиш даражаси сертификатини танлов учун қабул қилишда мезон бўлиб хизмат қилади.

7. FerSU stipendium гранти ва стипендиялари Фарғона давлат университетнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2-боб. Танловларни ўтказиш

8. FerSU stipendium гранти ва стипендияларни тайинлаш учун номзодларни кўрсатиш FerSU stipendium комиссияси тақдимномасига асосан университет Кенгаши томонидан талабгорларнинг ўқув ва илмий фаолиятини оммавий муҳокама қилиш асосида амалга оширилади.

FerSU stipendium гранти ва стипендияларига талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун Халқаро ҳамкорлик бўлимига қуйидагиларни тақдим қиладилар:

- талабанинг Hemis ахборот тизимидаги ўқув варақаси;
- деканат ва кафедранинг тавсияномалари;
- илмий (ижодий) иш раҳбарининг тавсияномаси;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг босма нусхалари;
- тил билиш даражаси сертификатининг нусхаси.

Барча ҳужжатлар жилдга (папкага) жойланган ҳолда тақдим этилади. Муқовада FerSU stipendium тури, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, факультети, бакалавриат таълим йўналиши, курси, гуруҳи кўрсатилади.

9. FerSU stipendium гранти ва стипендиялари соҳиблари – талабгорларнинг илмий ишлари, эришган ютуқлари ҳамда ўтказилган суҳбат натижаларига кўра, университет илмий Кенгаш аъзоларининг очиқ овоз бериши орқали оддий кўпчилик овоз билан аниқланади.

Овоз бериш жараёнида университет илмий кенгашнинг барча иштирокчилари иштирок этиши мумкин.

Овоз бериш натижаларига кўра:

Танловга ҳужжат топширган, FerSU stipendium комиссияси тавсияномасига эга, ажратилган ҳар бир квота бўйича энг кўп овоз олган номзодларнинг бир нафари тегишлиги бўйича FerSU stipendium гранти ва стипендияларидан бирининг ғолиби бўлади.

10. “FerSU stipendium A” совридори бўлган хорижий талаба (магистрант), эришган натижалари кўра мазкур Низомнинг 5-банди “b” кичик бандида белгиланган талабларни бажарган тақдирда кейинги ўқув йилида “FerSU stipendium G” танловига; “FerSU stipendium G” совридори бўлган хорижий талаба (магистрант), эришган натижалари кўра мазкур Низомнинг 5-банди “a” кичик бандида белгиланган талабларни бажарган тақдирда кейинги ўқув йилида “FerSU stipendium A” танловига ҳужжат

топширишга ҳақли ҳисобланади. Бунда, хорижий талаба (магистрант) FerSU stipendiumнинг “А” ва “G” тури бўйича бутун ўқиш давомида фақат бир маротаба танловда қатнашиши мумкин.

“FerSU stipendium G + A” совридори бўлган хорижий талаба (магистрант)ни “FerSU stipendium”нинг бошқа турлари учун ўтказилувчи танловларга ҳужжат топшириш мумкин эмас.

“FerSU stipendium B” молиявий кўмагидан фойдаланган хорижий талаба (магистрант) мазкур Низомнинг 5-бандида белгиланган “a”, “b”, “c” кичик бандларидан бирини бажарганлигидан келиб чиқиб, FerSU stipendiumнинг бошқа турлари учун ўтказилувчи танловларга ҳужжат топшириши мумкин.

11. FerSU stipendium танлови талабгорлардан ҳужжат келиб тушишига қараб, янги семестр ёки ўқув йили бошида ўтказилади ва танловда якунланган семестр (ўқув йили) давомида эришилган натижалар инобатга олинади.

12. FerSU stipendium комиссияси FerSU stipendium гранти ва стипендияларига номзодлар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни танлов ўтказилган ой якунида бўлиб ўтувчи университет Кенгашининг йиғилишига киритиб боради.

13. Университет Кенгаш қарорларига асосан, FerSU stipendium гранти ва стипендиялари совриндори бўлган талабалар рўйхати университетининг ички буйруғи билан тасдиқланади.

3-боб. FerSU stipendium гранти ва стипендияларни тайинлаш ва уларга бериладиган имтиёзлар

14. Университет Кенгашининг қарори FerSU stipendium гранти ва стипендияларни тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

15. FerSU stipendiumнинг “G” ва “G + A” турлари – ўқув йилининг бошланиш санасидан бошлаб, бир йил муддатга; “А” тури – ҳар семестрнинг бошланиш санасидан бошлаб, бир семестр муддатга белгиланган миқдорга қатъий риоя қилган ҳолда тайинланади ва тўланади.

16. FerSU stipendiumнинг “G”, “А” ёки “G + A” турларига сазовор бўлган талабаларга университет ректори томонидан тасдиқланган “Holder of the FerSU stipendium” (“FerSU stipendium соҳиби”) гувоҳномаси университет Кенгаши мажлисида тантанали равишда топширилади ва ОАВларда кенг ёритилади.

17. FerSU stipendium соҳибларига бир ўқув йили давомида университет Талабалар турар жойидан ва спорт комплекслари (шу жумладан, бассейн)дан бепул фойдаланиш, “ФарДУ Илмий хабарлари” журналида ҳамда ўз йўналишлари бўйича университетда ўтказиладиган халқаро ва республика илмий конференциялари материалларида бепул мақола ва тезислар чиқариш имтиёзлари берилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

18. Хорижий талабаларни кундалик дарсларни ўзлаштирмаганлик, ўқув интизомини, университет ички тартиб-қоидалари ва одоб-ахлоқ кодексини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида бўлиш ва ҳаракатланиш қоидаларини бузганлик учун FerSU stipendium турларидан маҳрум қилиш тегишли факультет декани тақдимномасига биноан университет ректорининг буйруғи билан амалга оширилиши мумкин.

19. Хорижий талабаларнинг “FerSU stipendium” гранти ва стипендияларига тайинлаш бўйича ариза ҳамда шикоятлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

20. Мазкур Низом талабаларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.